

Тармоқ касба уюшмалари Марказий кенгашларида МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИК

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Марказий Кенгаши тизимида меҳнат қилаётган тиббиёт ходимлари ўртасида маънавиятни юксалтириш учун кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

Жойларда «Баҳовуддин Нахшбанд таълимоти», «Мен нечун севаман, Ўзбекистонни» мавзуларида давра суҳбатлари, бахтимиз қомуси бўлган конституцияни ўрганиш юзасидан ўқувлар, «Инсон ҳуқуқлари» мавзуларида ўқувлар бўлиб ўтди. Талабалар, тармоқ меҳнатқашлари ўртасида ўтказилаётган бу тадбирлар касба уюшма ташкилотлари томонидан доимий равишда рағбатлантириб келинмоқда.

Шунингдек, «Иқбол», «Балли қизлар», «Энг ибратли устоз», «Дунё болалар нигоҳида», «Энг яхши қишлоқ врачлик пункти» каби тармоқ ходимлари ва уларнинг фарзандлари ўртасида ўтказилаётган кўрик-танловлар ўзининг яхши натижасини бермоқда. «Энг яхши маънавият маркази» ва «Энг яхши маънавият хонаси» танловлари эса зиё масканларининг замон талаблари даражасида фаолият кўрсатиши учун хизмат қилмоқда. Фарғона вилоятида мамлакатимизда биринчи бўлиб «Энг яхши касба уюшма вакили» биринчилигининг ўтказилиши фаолларнинг дунёқарашини янада бойитди.

Ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш учун касба уюшма ташкилотлари ҳолийлик ёр-

дамини ташкил этишмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшма кенгашлари республика Олий ва ўрта-махсус тиббиёт ўқув юрталари тасарруфидоғи ётоқхоналарда етарли ижтимоий-маиший шароит яратиш мақсадида биттадан ётоқхонани оталиққа олишган. Мазкур ўқув масканларининг ётоқхоналаридаги маънавий хоналари турли адабиётлар, газета-журналлар, кўргазмалар куроллар билан таъминланмоқда. Соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида «Энг яхши ётоқхона», «Ётоқхонанинг энг яхши қавати» кўрик-танловлари ўтказилди. Интеллектуал ўйинлар ва давра суҳбатлари ёшларнинг бўш вақтларини қизиқарли ўтказиши ва маънавий дунёсини кенгайтиришига хизмат қилмоқда.

Жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини ошириш масаласи ҳам тармоқ касба уюшма ташкилотларининг асосий диққат-эътиборида. Масалан, V республика «Саломатлик» спартакиадаси ўтказилди. Тиббиёт ходимлари вилоятларда ўтказилган «Аёллар спартакиадасида» ҳам фаол иштирок этишмоқда.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ишонч» мухбири

Сирдарё вилояти Ховос тумани меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими томонидан жорий йилнинг ўтган даврида иш ва ўқиш билан банд бўлмаган ўттиз тўққиз нафар йигит-қиз рўйхатга олинди. Яқинда туманда ўтказилган меҳнат ярмаркасида уларнинг ўттиз тўрт нафари иш билан таъминланиб, беш нафарига ишсизлик нафақаси тайинланди.

ЭЪТИБОР

Ҳеч бир ёш эътибордан четда қолмаслиги, уларнинг жамият ҳаётида фаол иштирок этишига қаратилган бундай сай-ҳаракатларни вилоятнинг барча туманларида кузатиш мумкин.



Президентимизнинг «Умумий фойдаланиладиган автомобил йўллари қуриш ва улардан фойдаланишни бошқариш тизimini такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ Қашқадарё вилоятида мавжуд йўлларнинг самарали сақлиниши, таъмирланиши, реконструкция қилиниши ва қурилишига алоҳида эътибор берилаяпти.

Самарқанд-Ўзур-Термиз йўлининг 176 километри Қашқадарё воҳаси ҳудудидан ўтади. Унинг текис ва раво бўлиши минтақаларо автоконтрактов самарадорлигини таъминлайди. Ушбу йўл янгиланган, мамлакатимизнинг учта вилоятидан ўтиб, Афғонистон чегарасига бориш ва Мозори Шариф, Андохй, Майманок ва қадимий Хирот шаҳарлари орқали Эрондаги Бандарабос ва Чоғбаҳор денгиз портларига чиқиш имконияти яратилди.

«Қашқадарёавтоўл» ҳудудий шўба корхонаси замонавий технологиялар ҳисобидоғи йўл таъмирлаш ва қуриш ускуналарини янгилаб бермоқда. Бундан бир йил муқаддам мамлакатимиз ҳукумати Япония давлати билан республикамиздаги Самарқанд-Ўзур-Термиз йўлини сақлаш ва таъмирлашга бегарас ёрдам сифатида 976 миллион япон йенаси ажратиш тўғрисида

шартнома имзолаб, мазкур грант лойиҳаси доирасида умумий узунлиги 378 километрни автомагистрални реконструкциялаш, турли русумдаги техника ва ускуналар сотиб олиш режалаштирилган эди.

ЯПОНИЯ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА

Кунчиқар мамлакат ҳукуматининг ҳисобидан халқаро тендер натижаларига асосан қашқадарёлик йўлсозларга 69 та қурилиш техникаси ва 27 та ускуна олиб берилди. Қашқадарё туманидаги Чим қишлоғида соатига 30 тонна асфальт ишлаб чиқарадиган корхона бунёд этилди. Заовод Япониянинг «Tanaka Iron Works» компаниясида ишлаб чиқаришга юқори технология асосида қурилган бўлиб

жизмозланган. Бундай корхона Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида ҳам ишга туширилди.

Хозирги пайтда оператор Акмал Жабборов, Бектемир Мирзаев, ишчи Абдурашид Шодмоннов кабилар заводни мустақил равишда бошқаришда фаол қатнашмоқдалар.

Қулай томони шундаки, ишлаб чиқарилган асфальт белгиланган микдорда тўғридан-тўғри юк ташувчи автомобилларга орталади.

Электр энергия билан таъминлаш учун алоҳида линия тортишга эҳтиёж йўқ. Негарини, технология жижмозлар суоқ ёниги ёрдамида ишлайдиган электр токи генератори билан ҳаракатланади. Бу муъжаз механизм барча ускуналарни, компьютер техникасини, иситиш-совушти тизимини етарли микдорда энергия билан таъминлайди. Хорижлик ҳамкорлар иштирокида мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга қаратилган катта ҳажмдаги қурилиш-ускуналаш юмушлари амалга оширилаяпти.

Ҳамкорлик

Япониянинг «СРС» консалтинг компанияси вакили жаноб Кунажико Канетанин маълум қилишича, Самарқанд-Ўзур-Термиз автомагистрални сақлаш ва таъмирлашга ажратилган бегарасида японияликлар томонидан берилган иккинчи давлат грантидир. Бундан ун йил муқаддам Тошкент-Ўш автомагистралини тоғли ҳудудларидан ўтаётган қисми, хусусан Қамчиқ доводидоғи йўлини қуриш ва таъмирлаш учун катта микдорда техника ва маблағ ажратилган.

Буюк Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган Чим қишлоғида асфальт заводи тула қувват билан ишлай бошлади. Корхонани бошқариш учун ишчиларга сертифициқлар топширилди. Япониялик муҳандислардан таълим олган маҳаллий ёшлар компьютер ёрдамида мураккаб механизмларни моҳирлик билан бошқаришаяпти.

Иззат ҲИҚМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

ИМКОНИАТЛАР КЕНГАЯДИ

Собир Раҳимов туманидаги «Олмос-текс» хусусий корхонасида ҳозирги кунга келиб жами 7 турдаги мебеллар, тиббиётда қўлланиладиган пахта, қўрға, ёстиқ каби рўзгор буюмлари тайёрланмоқда. 3-4 киши билан иш бошлаган мазкур корхонада айни кунларда 50 нафардан ортиқ ишчи меҳнат билан банд. Корхона раҳбари Э.Нажимқўжаевнинг таъкидлашича, Россия ва Хитойдан келтирилган дастаҳлар ўрнатилганидан сўнг бу ерда ишлаб чиқариш суръати янада кўчяйган.

Корхона маҳсулотига россиялик ҳамкорларнинг қизиқиши ортмоқда. Утган

йилда Россияга 50 тоннадан ортиқ мовик пахта экспорт қилинган эди. Умумийда қайта ишланиб, тайёр маҳсулотга айлантирилган ўзбек пахтасига талаб янада ортган. Шу боисдан жорий йилда 1000 тонна ана шундай юқори сифатли маҳсулот етказиб бериш учун шартнома имзоланди. Бу ерда қасаначиликни йўлга қўйиш ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Қўп йиллар тикучилик билан шуғулланиб келган 5 та хонадон вакиллари билан самарали ҳамкорлик қилиб келинаётир. Бу аҳолининг банд бўлмаган қисмини иш билан таъминлашга катта ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Яқин орада 20 нафар хотин-қизлар уларни қониктрантиришга иш билан таъминланди. Келгусида хусусий корхонанинг имкониятларини янада ошириш мўлжалланган бўлиб, Хитойдан янги турдаги дастаҳлар келтириш режалаштирилган.

Э.ОДИЛОВ

Шўрчи туман электр тармоғи филиалида аҳолини қуввати билан таъминлаш яхши йўлга қўйилган. Бу ерда 137 нафар ходим хонадонларини электр нури билан қарогон қилиш учун туну кун меҳнат қилмоқда. Уларга ишлалари учун қулай шароит яратилган. Барча ходимлар махсус кийим-бош билан таъминланган. Улар ўртасида меҳнат ҳавфсизлиги борасида тез-тез тушултириш ишлари олиб борилмоқда. Маънавият ва дам олиш хоналари ишчилар хизматида. Байрамлар муносабати билан илғорлар муносабати рағбатлантирилмоқда.

Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар



Навоий вилояти Навабахор тумани аҳолисини азиздан хунарманчилик билан шуғулланиб келаяди. Айниқса, хотин-қизлар ўртасида тикучилик, зардўзлик, каштачилик, чопандўзлик кенг ривожланган. ИШБИЛАРМОН АЁЛЛАР

Бандлик дастурига мувофиқ бўлиш йўлини яратишга ишлаб чиқаришнинг турли соҳалари жалб этилаяпти. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хусусан фермерлик ҳаракатида аёлларнинг иштироки салмоқли бўлмоқда. Қишлоқ тадбиркори Гулчехра Ҳалимова «Ғаллакор» фермер хўжалигини ташкил этиб, 30 нафардан ортиқ янги иш ўринлари яратди. Хўжаликда ўтган йили 30 гектар майдонга пахта, яна шунча ерга ғалла ва беш гектар ерга озуқабон экинлар экилди. Шу йили пахта ҳосилдорлиги 40 центнерга етказилди. Ғалланин ҳар гектаридан 50 центнердан сара дон олинди. Хўжалик аъзолари ва кам таъминланган оилаларга ўн тоннадан ортиқ ғалла бепул тарқатилди. Икки нафар боқувчисини йўқотган оилага бузоқ совға қилинди.

«Истикбол» фермер хўжалиги раҳбари, тадбиркор Сабозат Раҳимова олиб бораётган ишлар ҳам тахсинга лойиқ. Чунки, у хўжалигида 30 нафар аёлни иш билан таъминлаган ҳолда, ҳар йили пахта ва ғалла етиштириш бўйича йиллик шартнома режаларини ортиги билан удалаб келаяди. Айни пайтда унинг хўжалигида 20 та йирик шохли қорамол боқилмоқда. Саховатли тадбиркор аёл «Хомийлар ва шифокорлар йили»да Президентимизнинг қарорига асосан, икки бош соғин сиғирни кам таъминланган оилаларга беришни ният қилган.

Туманда фермерлик ҳаракатини кенгайтириш, янги-янги кичик корхоналар бунёд этиш, қўшма-иш ўринлари яратиш ҳисобидан жорий йилда яна 300 нафар хотин-қиз иш билан таъминланади.

(Ўза)

БУЛОҚБОШИДА ЯНГИ ФАБРИКА

Булоқбошилик тадбиркор Барчиной Султанонова туман марказида зардўзлик фабрикасини қуриши режалаштирилмоқда.

Йигирма йиллик таж-

рибоб фабрикага айлантирилаяпти.

Барпо этилаяж янги корхона миллий хунарманчилик тизimini ривожлантириш билан бирга уни жаҳонга таъинишни ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

«Туркистон-пресс»

Қишлоқ хўжалиги моддий ишлаб чиқаришнинг асосий тармоғи бўлиб, саноатни ҳомашё билан таъминлаш ҳамда республика экспорт салоҳияти ва валюта тушумининг муҳим манбаи ҳисобланади. Шу боис ҳукуматимиз мазкур соҳани ривожлантиришга жиддий эътибор қаратмоқда. Прокуратура органлари томонидан ҳам Ўзбекистон Президентининг «Қишлоқ хўжалигида ишловчиларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони юзасидан мўайян ишлар амалга оширилмоқда. Республика Бош прокуратураси қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юртыгувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими катта прокурорни, аялига кичик маслаҳатчиси Б.Ҳолмирзаев билан бўлган мулоқот ана шу хусусда бўлди.

— Чигитни ўз вақтида сифатли ерга қадаш муҳим аҳамиятга эга. Жойларда бу борадаги ишлар қай тарзда амалга оширилмоқда.

— Шубҳасиз, мўл ҳосил етиштириш учун майдонларга сифатли уруғ ва эртапишар, биогенетик салоҳияти юқори бўлган навларни экиш талаб этилаяди. Яхши ғўза нави ва сифатли уруғ нафақат фермер учун даромад манбаи, балки республикамизнинг жаҳон бозоридоғи ўрни, иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий барқарорлигининг ҳам асосидир. Республика прокуратура органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 январдаги «2006 йилда пахта етиштиришнинг прогноз ҳажмлари ва ғўзани навлар бўйича жойлаштириш тўғрисида»ги қарори ижроси доимий назоратга олинган. Айрим вилоятлардаги пахта тозалаш корхоналарида уруғлик чигитни талон-торож қилиш ҳолатлари аниқланган.

Хусусан, Жиззах вилоятидаги А.Икромов номи пахта тозалаш акциядорлик жамияти оғмур мудири Ж.Эсонов жавобгарлигидаги 13,5 миллион сўмлик 14 тонна уруғлик чигитни фуқаро Ф.Номозов ва бошқаларга ноқонуний йўллар билан сотиб юборган. Шунингдек, Тошкент вилоятининг Бекобод туманида яшовчи фуқаро И.Дехқонбоевнинг 400 кг чигитни Қозғистон Республикасига сотиш учун олиб кетаётгани текширувлар давомида маълум бўлди.

Ер фермерларга маълум муддатга «омонатга» берилган. Бинобарин, «омонатга» хиёнат қилмаслик керак. Айрим фермерлар фақат ер олгунча ташаббускор, ишчан бўлиб қўринаяпти-ю, сўнг ўз билганича иш тутмоқда. Шартномада кўрсатилган маҳсулотни

етиштириш ўрнига «сердаромадор» экинлар эймоқда.

— Фикрингизни мисоллар билан изоҳлаб берсангиз.

— Жиззах вилоятининг Жиззах туманидаги «Урин Майдон», «Чехра», «Убайдилло бобо», «Қаюм бобо», «Муъжиза», «Кувёшли юрт»

ЛОҚАЙДЛИК ВА МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК

«Камрон-Д» фермер хўжаликларига 114 гектар ер майдонларига умуман чигит экилган. Лекин туман «Ерғодездакастр» бўлими бошлиғи К.Маманазаров томонидан чигит экилганлиги ҳақида маълумотнома тақдим этилиб, хўжаликларга сертификатлар берилганлиги учун унга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилган. Эки Жиззах туманидаги «Сур-ҳисори» фермер хўжалигида 6,5 гектар, «Чорвашуна» фермер хўжалигида 6,2 гектар ер майдонларига чигит ўрнига пиёз экилганлиги учун хўжаликлар раҳбарлари Б.Умарқўлов ва Р.Юнусовларга нисбатан маъмурий иш қўзғатилди. Туман «Ерғодездакастр» бўлими бошлиғи И.Бердүкқозов инициатива жавобгарликка тортилиб, қонунсиз экилган экинлар ўрнига чигит экилиши тўлиқ таъминланди.

Шунингдек, Бўқа туманидаги «Азизмунҳаммад» фермер хўжалигида 6,5 гектар, «Абдусалом ўғли Абдутолиб» фермер хўжалигида 1 гектар, Богдоғ туманидаги «Муҳаррам» фермер хўжалигида 0,5 гектар ер майдонларига пиёз ҳамда полиз экинлари экилган. Юқори-

даги каби қонунбузилиш ҳолатлари Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда ҳам аниқланган.

Баъзи хўжаликларда бундан-да аянчи ҳолатларга дуч келамиз. Жумладан, Наманган вилоятининг Учқўрғон туманидаги «Қўчқор ота», «Ўзбекистон», «Қайқобод», Чуст туманидаги «Машвал», «Зарафшон» ширкат хўжаликлари ва Тўрақўрғон туманидаги «Хумо равнақ» фермер хўжалигида нозос молмалар билан сифатсиз чигит экилган. Чуст туманидаги «Сабзозор», Учқўрғон туманидаги «Ўзбекистон» ширкати ва Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманидаги «Абдурахим ўғли Тожибой», «Раҳимов Умиджон» фермер

хўжаликларига ерлар чигит экишига тайёрланмасдан ҳамда ғўзасига қолдиқлари тўлиқ олиб ташланмасдан чигит экилганлиги оқибатида плёнкалар йиртилиб, уруғлар уяларга тушмасдан плёнка устида қолиб кетган.

Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманидаги «У.Жуманиязов» муқобил машина-трактор паркки ҳудудда жойлашган фермер хўжаликлар томонидан режада белгиланган 120 гектар, «Қиятобод»да 110 гектар ва «Бий-бозор»да 60 гектар ер майдонларига плёнка остига чигит умуман экилмаганини маълум бўлди. Худди шу каби қонунбузилишларга Бухоро, Хоразм, Андижон, Жиззах ва Сурхондарё вилоятларида ҳам йўл қўйилган.

— Техниклар иш унумдорлигини ошириш, капитал ёки жорий таъмирдан чиқарилган сеялик ва культиваторлар ҳамда бошқа зарур техникалардан самарали фойдаланишни таъминлаш борасида талай ишлар олиб борилаётганига қарамай, бу борада камчиликларга йўл қўйилаётганининг туб сабаблари ниманда деб ўйлайсиз?

Долзарб мавзу

— Лоқайдик, ўзибўларчилик, мен раҳбарман, меники тўғри қабилида иш юритиш навбатдаги қонунбузилишларга йўл очади. Бу айниқса, ёниги-моилаш маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалиги техникасига бўлган муносабатда яққол кўринади. Мисол ва рақамларга яна эътиборни қаратадиган бўлсак, Сирдарё вилоятининг Сардоба тумани МТП акциядорлик жамиятининг таъмирлаш устaxonаси мудири А.Абдумаликов мансабининг суистеъмол қилиб, чигит экиш сеялкаларига қўйилиши лозим бўлган 216 минг сўмлик эҳтиёт қисмларни талон-торож қилган. «Ўзагро-машсервис» уюшмасининг маълумотида республика бўйича чигит экиш сеялкалари ва молмалари мавсумга 100 фоизга тайёрлаб қўйилганлиги кўрсатилган бўлсада, жойларда олиб борилган тадбирларда айрим хўжалик раҳбарлари томонидан чигит экиш агрегатларини соғламасдан мавсумга жалб қилинганлиги оқибатида плёнка остига чигит экиш ишлари сифатсиз амалга оширилаяптгани аниқланди.

Жумладан, Самарқанд вилоятининг Иштихон туманида 26 та, Жомбой туманида 9 та трактор, Оқдарё туманида 3 та, Нарпай туманида 5 та чигит экиш сеялкалари мавсумга тайёрланмаган ҳамда эҳтиёт қисмлар захираси яратилмаган.

Ушбу аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш учун Жомбой, Оқдарё ва Нарпай туманлари ҳокимликларига тақдимномалар киритилиб, Иштихон тумани ҳокими Х.Шуқруллоев қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантирилган.

Айтиш мумкинки, жойларда фермерларга муносабат масаласида ҳам оз бўлсада, қонунбузилиш ҳолатлари кўзга ташланади. Масалан, Фарғона вилоятининг Риштон туманидаги «Тўдағорсервис» муқобил машина-трактор паркки газнаҳаси Ф.Абдуллоев 630 минг сўм ва М.Келдиер номи машина-трактор паркки ҳисобчиси И.Уринбоевлар айби билан 840 минг сўм иш ҳақлари механизматор ва ишчиларга ўз вақтида берилмаган.

Сухабтошев:
Роза САЙДАМҲОДОВА,
«Ишонч» мухбири

«ОҚ ТАЙСОН» ҲАШАРДА

Хотира ва қадрлаш кўни арафасида аниқ хонлик машҳур боксчи Руслан Чагаев шаҳардаги «Эшво ота» қабристони таъмирлашга ўзининг хиссасини қўшди.

Профессионал боксда «Оқ Тайсон» лақабини олган Руслан маҳалла аҳли билан биргаликда терлашиб ишлайди. Шу кунги қабристоннинг ҳамма йўлакларига асфальт ётқизилди, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди.

«Туркистон-пресс»

Бор бўл, оқибат! ҲИММАТИ БАЛАНД ФЕРМЕР

Дўстлик туманидаги «Машвал» фермер хўжалиги раҳбари Омонбой Абдуллаев «Баҳор» мактабига таълим муассасасини таълим захираси яратилмаган. У оз эмас, кўп эмас - 3 миллион сўмлик жиҳозларни мазкур боччага соғға қилди. Пианино, видео-телевизор, диван, кресло, стол, стул, гилам, поёндозлар болалар иктиёрига берилди.

Невараларининг барчаси боччага қатнайди, кун бўйи шу ерда бўлишайди. Оз бўлса-да, шароит яратилсин деб шу ишга кўл ўрди. — дейди фермер. — Яна ёнимиздаги мактабнинг ҳам капитал таъмирдан чиқарилишига ва жиҳозланишига баҳоли-қудрат улш қўшдим.

Фермер хўжалиги қошида ун тегиримон, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик цех қурилиши бошлаб юборилган. Дала бошида бочча барпо этилган. Икки минг



Бўрибой НОРҚУЛОВ,
«Ишонч» мухбири

